



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАДАНИЯТ, САЊАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, ёрқин ва бетакрор истеъдоди билан халқимизнинг маданий, бадиий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, миллий маънавиятимизни боийитиш, мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантириш, асрий анъаналаримиз, бой меросимизни асраб-авайлаш ва Янги Ўзбекистонни жаҳон миқёсида тарғиб этишга қўшган муносиб ҳиссаси, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, эзгулик ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳорат ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, фарзандларимизни она юртимизга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фалол иштироки учун куйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони билан

Байтаев Гийс Ахмадулович — Ўзбекистон давлат филармонияси хонандаси
Ганпов Рустамжан — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Матчанов Матякуб Садуллаевич — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси раиси, киноактёр

Тиллаев Учкун Тураевич — Ички ишлар вазирлигининг маданият саройи бадиий раҳбари, актёр

Холтаджиев Абдурахман Акбарович — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли артисти-созандаси

Ярашова Раъно Сайфиidinova — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони билан

Эшбоев Махаммад Темиралевич — Жарқўрган туманидаги 5-бололар музика ва санъат мактаби ўқитувчиси, бахши, Сурхондарё вилояти

“Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони билан

Махмудов Мавзур Мансурович — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг театр безаги рангтасвири кафедраси доценти, рассом

“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвони билан

Файзуллаев Хикматулла Рашидович — Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг рассомлик бўлими ўқитувчиси, наққош

“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвони билан

Салимова Шарипа — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони билан

Мамазонтов Отабек Мамадалиевич — Ўзбекистон давлат филармониясининг Фарғона вилояти бўлимида хонандаси

Мунинов Толиб Тешаевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Отажанова Масуда Юлдашева — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик музикали театри солист-вокалисти

Расулов Хуршид Нумонович — “Халқлар дўстлиги” ансамбли эстрада хонандаси

Рахимджанова Илмира Рискалиевна — “Art house Hamsa” хусусий театри раҳбари, актриса

Ризаева Мунисахон Баходировна — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Холмунинов Асқар Сайфуллаевич — Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МАДАНИЯТ, САЊАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БИР ГУРУҲ ИЖОДКОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, аждодлар хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатиш мақсадида ўзининг ёрқин истеъдоди, кўп йиллик самарали ижодий фаолияти билан келажак авлодлар учун бебаҳо мерос қолдирган, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг маърифий-бадиий тафаккури ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, юртимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга бекиёс ҳисса қўшган, жамиятимизда эзгулик ва меҳр-оқибат, ватанпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш йўлида унутилмас хизмат қилиб, сермазун ҳаёти ва юксак инсоний фазилатлари билан эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллаган куйидаги марҳум ижодкорлар мукофотлансин:

“Буюк хизматлари учун” ордени билан

Аббосов Шухрат Солихович — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, кинорежиссёр

Аъзамов Ғани — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

Ёқубов Одил — Ўзбекистон Республикаси халқ эзувчиси

Садриева Зайнаб — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актриса

Умаров Ҳамза — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

Юнусов Обиджон — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан

Ҳошимов Ўткир — Ўзбекистон Республикаси халқ эзувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2026 йил 28 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Зуннунова Саида — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира ва ёзувчи

Ҳамидова Манзура — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актриса

Ҳотамов Орифхон — Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Алихўжаев Ўлмас — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

Болтаева Икром — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актриса

Ёқубова Марям — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актриса

Зокиров Жамшид Каримович — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, актёр

Нурматов Ҳожинакбар — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

Отахонов Очилохон — Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси

Раҳматов Диас Нигматович — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, актёр

Ризаева Юлдуз — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, актриса

Саиджонов Ўлмас — Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси

Тожиев Тўлқин Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

“Дўстлик” ордени билан

Ғонпов Даврон — эстрада хонандаси

Мамадалиев Расулқори — хонанда ва созада

Ртвеладзе Эдуард Васильевич — академик, археолог ва санъатшунос олим

Садуллаев Санжар — дубляж актёри

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 май куни амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилиши тадбирларида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этади. Саммит кун тартибидан ташкилот

доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олган. Амалий шерикликнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕОИИ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЯНГИ БОСҚИЧДА

29 май куни Ўзбекистон Президенти Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишида иштирок этади.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кейинги йилларда Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) тадбирларида иштироки мамлакат таъқиқ иқтисодий стратегиясининг муҳим элементи айланди. У амалий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш ва минтақавий ўзаро ҳамкорликнинг барқарор механизмларини ривожлантиришга қаратилган. Жаҳон иқтисодиёти трансформацияси, логистика йўналишларининг мураккаблашуви ва инвестиция ресурслари учун рақобат кучайиб бораётган бир шартда Евроосиё йўналиши Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2025 йилдаги Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишида таъкидлагандек, глобал бозорлар парчаланиши кучайиб, логистика заңжирлари мураккаблашаётган ва инвестиция ресурсларини тақсимлашда устуворликлар ўзгараётган бугунги шартда Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари билан прагматик ва ўзаро манфаатли

ҳамкорликни чуқурлаштириш биз учун принципиал аҳамият касб этади.

Бу позиция Ўзбекистоннинг Евроосиё маконида барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий алоқаларни шакллантиришга интилишини акс эттиради.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи пост-совет маконидаги энг йирик интеграциявий бирлашмалардан бири ҳисобланади. У Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон негизда шакланган. Иттифоқ 2015 йил 1 январдан бошлаб фаолият юрита бошлади. Ташкилот тўғрисидаги шартнома Беларусь, Қозоғистон ва Россия томонидан имзоланган бўлиб, кейинчалик Арманистон ва Қирғизистон ҳам унга қўшилди.

▶ Давоми 2-бетда



Долзарб мавзу

2050 ЙИЛ ДАСТУРХОНИ

Инсониятни ким ва қандай боқади?

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳақида гап кетганда кўпчилиكنинг хаёлига, аввало, нон, ун, гуруч, картошка ёки бозордаги нархлар келади. Албатта, булар жуда муҳим. Аммо XXI асрда бу тушунча анча кенгайди. Бугун озиқ-овқат хавфсизлиги фақат қорин тўқлиги эмас. Бу инсон саломатлиги, болаларнинг тўғри ўсиши, оналарнинг соғлом ҳаёти, дехқон ва фермер даромади, сув тежамкорлиги, тупроқ унмдорлиги, маҳсулот сифати, қайта ишлаш, экспорт, рақамлаштириш ва келажак авлод олдидagi масъулиятдир.

Оддий қилиб айтганда, озиқ-овқат хавфсизлиги далада бошланиб, оила дастурхонида якунланади. Далада қандай уруғ экилади, у қанча сув талаб қилади, тупроққа таъсири қандай, ҳосил қандай сақланади, маҳсулот болаларимиз саломатлиги учун қанчалик муҳим — буларнинг барчаси бугуннинг стратегик саволлари. Бу масалага шахсан мен икки хил қарашни зарур: вазир сифатида — амалиёт, ислохот ва дехқоннинг қундалик муаммолари нуқтаи назардан; олим сифатида эса — дунё илми қайси йўналишга кетаятгани, 2050 йил сценарийлари нимани кўрсатаётгани жиҳатидан. Ушбу икки қараш

бирлашганда келиб чиққан хулоса: келажак озиқ-овқат хавфсизлиги фақат кўпроқ маҳсулот этиштириш эмас, балки соғлом, адолатли, сувтежамкор, илмга таянган ва инсонийлик билан йўғрилган озиқ-овқат тизимини қуришдир. Келинг, шуларга бирма-бир, келажак нуқтаи назаридан тўхталайлик.

Инсониятни нима кутмоқда?

Дунё аҳолиси бугун 8 миллиарддан ошди. 2050 йилга бориб эса 9 миллиарддан зиёд

бўлиши кутилмоқда. Демак, келажакда дастурхон атрофида ўтирадиган одамлар сони ортиб боради. Аммо уларни боқадиган ер, сув ва табиий ресурслар чексиз эмас.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг “2050 йилда дунёни қандай боқамиз?” мавзусидаги таҳлилларида келтирилшича, “2050 йилда 9 миллиарддан ортқ одами боқши учун жаҳон озиқ-овқат ишлаб чиқаришини 2005-2007 йилларга нисбатан тахминан 70 фоизга ошириш зарур бўлади”. Бунинг учун эса ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш дярлари икки баробар ошиши керак. Лекин ФАО яна бир муҳим ҳақиқатни таъкидлайди: “дунё техник жиҳатдан етарли озиқ-овқат ишлаб чиқариши мумкин, аммо бу очлик автоматик равишда йўқолади дегани эмас”. Чунки очлик кўп ҳолларда маҳсулот йўқлигидан эмас, балки одамларнинг озиқ-овқатга иқтисодий ва ижтимоий кириш имконияти чекланганидан келиб чиқади.

▶ Давоми 3-бетда



ЖАМИЯТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

Қурбон ҳайити байрамининг асл моҳияти инсонларга меҳр-мурувват, хайр-саховат ва хуш кайфият улашишдadir. Ушбу байрам шукроналик, бағрикенглик ва инсон қадрини улуғлаш каби эзгу тушунчаларни ўзида мужассам этади.

Ушбу улуг айёмда эҳтиёмжанд оилаларнинг каму кўстани тўлдириш, қалби ярим, жисмоний имконияти чекланган ёки хаста ва нурунийларга хайр-саховат кўрсатиш, ҳолидан хабар олиш халқимизга хос азалий қадриятлардан.

Кейинги йилларда мамлакатимизда эҳтиёмжанд оилалар, айниқса, муборак Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларида кўмакка муҳтож беморлар, нурунийларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, биринчи навбатда, юртдошларимиз уйи, қалбига байрам шу-

қуқини олиб кириш учун турли ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 21 майдаги “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарорид а йни йўналишга доир қатор вазибалар ўрин олган. Хужжатда белгиланган вазибалардан ушбу масала давлат сиёсати даражасида экани ҳамда диний қадриятлар билан янги Ўзбекистоннинг конституцион даражада

мустаҳкамланган ижтимоий давлат тамойили бир нуқтада туташганини кўриш мумкин.

Қарор билан оғир ва ногиронликка олиб келувчи касалликларга чалинган 10 минг болада жарроҳлик амалиётини ўтказиш, онкологик, гематологик ва онкогематологик тахшиш қўйилган 2,3 минг беморни даволаш, камид а 350 беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётини амалга ошириш белгиланган.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАДАНИЯТ, САЊЪАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Абдурашулов Хайтиммат — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси аъзоси, драматург

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан

Артикова Наилә Александровна — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Булбулча” болалар ансамбли бадий раҳбари

Давлатов Олим Давлатович — Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди директори, адабиётшунос

Ерназаров Бекназар — Қорақалпоғистон Ўзвучилар уюшмаси масъул котиви, ёзувчи

Мирзаева Зебо Боймановна — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоира

Эргашев Ботиржон Юлдашевич — Маданиятшунослик ва номодий маданий мерос илмий-тадқиқот институти директори, шоир

“Буюк хизматлари учун” ордени билан

Камилов Эркинбой — Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Сагдиев Ёдгар Хабибович — Ўзбек Миллий академик драма театри директори, актёр

“Эл-юрт хурмати” ордени билан

Аъзамов Эркин Норматович — “Тафаккур” журнали бош муҳаррири, ёзувчи

Мукамов Зулфихор Джалалович — “Ўзбекфильм” киноконцерни” давлат муассасаси постановкачи режиссёри

Халилова Мавлуда Болтаевна (Матлуба Дадабева) — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси профессори, мақом хонандаси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Абдуллаева Раиса Ураимовна — Жиззах вилояти мусиқа драма театри артисти

Азизов Усмонокул — Ўзбек Миллий академик драма театри адабий бўлими мудири, шоир

Атабаев Давронбек Джуманазарович — Хоразм вилояти қўғирчоқ театри директори

Бакаев Убайдулло Амонович — Бухоро вилояти мусиқа драма театри режиссёри

Мухамедкаримов Бехзад Абдулазизович — Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Нуриддинов Хайрулла Бокиджонович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари

Раимджанов Анвар Хусанович — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Ўзбекистон солистлари” камер оркестри бадий раҳбари

Умарбеков Джавлят Юсупович — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рақомлик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангасвир кафедраси профессори, расм

Умарова Салима Бахроновна — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоира, Навоий вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдуллаева Мухаббат Ходжаалимовна — Ўзбекистон давлат драма театри артисти

Абдурашидов Абдулаҳат — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли созандаси

Азизбаев Салоҳиддин Садуллаевич — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси профессори, хонанда

Амриддинов Шаҳобиддин Нажмиддинович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганҷор уста, Самарқанд вилояти

Атаджанов Азамат Беканович — Урганч мақом санъати ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, хонанда, Хоразм вилояти

Ахмедов Жаҳонгир Адилхожаевич — Болалар контентини ривожлантириш маркази директори, кинорежиссёр

Аҳмед Жасим Аббас Ал-Зубаиди — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг араб тили таржимаси назарисы ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Бекчанова Меҳрижон Гуламовна — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусиқа театри солист-вокалисти

Джурраев Ашуралӣ Ачиллович — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Исламов Элмурад Муҳитович — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Бек” миллий дорирактер гурӯҳи бадий раҳбари

Қадилов Уткур Саиджанович — “Сато” гурӯҳи аъзоси, гитара созандаси

Қаримовна Роза Машуровна — Ўзбекистон давлат сатира театри фахрий артисти

Матякубов Отганазар — Ўзбекистон давлат консерваториясининг ўзбек мусиқаси тарихи кафедраси доценти, мусиқашунос

Муҳаммад Аббос Хан — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси фахрий аъзоси, ёзувчи ва публицист

Насиров Элёр Расулевич — Ўзбекистон давлат драма театри етакчи сахна устаси, актёр

Номозов Махмуд Алатович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Норқобиллов Нормурат — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Раҳматуллаева Замира Султановна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқий педагогика кафедраси доценти, қашқар рубоби созандаси

Садиқов Тоҳир Бахрамджонович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Толипов Шухрат Маннапович — Ўзбекистон давлат филармониясининг Давлат академик халқ чолғулари оркестри бадий раҳбари

Хожиев Толиб Тожиевич — Ўзбекистон давлат ёшлар театри етакчи сахна устаси, актёр

Шаҳманов Шохрух Уктамович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Юлдашев Абдиқомил Турғунбаевич — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Юнусова Сайёра Абдуллажановна — Ўзбек Миллий академик драма театри актери

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаев Евгений Викторович — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, шоир ва таржуман

Абдурахимов Каҳраман — Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Абидов Шорустам Файзуллаевич — Ўзбекистон давлат филармонияси режиссёри

Алиқулов Мурадилла Химматович — Нишон тумани маданият бўлимининг

бахшичилик тўраги раҳбари, бахши, Қашқадарё вилояти

Алимаҳсумов Камолитдин Мохирович — мақом хонандаси

Аллаберганов Улмас Худаярович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Апунтин Виктор Олегович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график расм, Тошкент шаҳри

Аргонов Шаҳриёр Аълоевич — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Баймуратов Ашуркул — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоир, Тошкент вилояти

Боймуродов Шерзод Анварович — Ўзбекистон давлат ёшлар театри актери

Вахрушева Нина Семеновна — Бўстонлик тумани маданият бўлимининг “Қизил чиннигул” фахрийлар хор жамоаси бадий раҳбари, Тошкент вилояти

Ганиев Анваржон Жумабаевич — Ўзбекистон давлат филармониясини хонандаси

Джумаев Александр Бабанязович — Маданиятшунослик ва номодий маданий мерос илмий-тадқиқот институтининг етакчи илмий ходими

Жололова Холисон Янгйеовна — Булоқбосчи тумани маданият бўлими мудири, Андижон вилояти

Жуманов Ғайбулла Ибрагимович — Ўзбекистон давлат драма театри артисти

Закирова Барно Абзаловна — Ўзбекистон давлат академик рус драма театри труппа мудири

Исақджанов Хасан — П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган расмлик мактабининг амалий графика фани ўқитувчиси

Исмийинова Турсиний Саттаровна — Олмалик шаҳар маданият бўлимининг “Набахор” фольклор-этнографик халқ жамоаси раҳбари, Тошкент вилояти

Қадилов Улғубек Насирович — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, актёр

Қомиллов Остонакул Одилевич — Қашқадарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонаси директори

Матанов Иқрам Юлдашевич — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли артист-созандаси

Мамажонов Баходир Акрамович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасасининг Фаргона вилояти бўлими хонандаси

Мигнаев Абдухалил Абдулаевич — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр

Муратов Рустам Сайдиаликович — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, кинооператор

Нарқазов Махмуд Мамадалиевич — Фориш тумани маданият бўлими мудири, Жиззах вилояти

Насинова Буритиш — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, публицист, Қашқадарё вилояти

Очилов Утқиржон Умаркулович — Каттақўрғон шаҳар драма театри актери, Самарқанд вилояти

Рахимов Эгамберди Шаматович — Ўзбекистон давлат драма театри артисти

Раҳманова Гулнара — эркин ижодкор, расм

Раҳмонов Дамир Уктамович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Режаметова Нилуфар Илхамовна — Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг мусиқий таълим кафедраси доценти, санъатшунос

Сидиков Хабижон — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Андижон вилояти

Ташметов Балтабай Наманович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси бадий сўз устаси, қизиқчи

Узаков Алишер Мухаммаджонович — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр

Умаров Мамур Боташикович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси профессори

Файзуллаев Анвар Раҳматиллаевич — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати кафедраси ўқитувчиси

Ҳакимов Набижон — Мирзабод тумани маданият бўлимининг “Дилрабо” болалар ашула ва рақс ансамбли мусиқа раҳбари, Сирдарё вилояти

Ҳасанов Зариф Олимович — “Silk Route Marionettes” театр-студияси режиссёри

Ҳоджабердиева Замраҳон — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоира

Худайбердиев Мансур — Каттақўрғон тумани маданият бўлимининг “Зарафшон” ашула ва рақс халқ дастаси бадий раҳбари, Самарқанд вилояти

Шамшиев Валижон Адахамович — бадий сўз устаси, қизиқчи

Шерезданов Руслан Радиқович — Ўзбекистон давлат мусиқа драма театри (опера-та) театри бош режиссёри

Эргашова Моҳира Туроповна — Қасби туманидаги маданият бўлимининг “Кулло шодаси” фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари, Қашқадарё вилояти

Юсупова Гулчехра Урмановна — фахрий балетмейстер

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Зияева Маликаҳон — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси профессори, дутор чолғу ижрочиси

Туляходжаева Мухаббат Турабовна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси профессори

“Келажак бунёдкори” медали билан

Ибрагимов Шаҳриёр Шавкат ўғли — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоир

Мамаражабдиева Навруза Рустам қизи — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Мелибоев Элёр Зухриддин ўғли — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Мухтаров Лазизбек Улуғбек ўғли — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли хонандаси

Сираджев Шохрух Тоҳир ўғли — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси овоз оператори, продюсер, диджей

Тореева Жанар Кутлимурад қизи — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқа театри балет артисти

Хамдамов Шохрух Баходиржон ўғли — Қарим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи ўқитувчиси, актёр

Эргашев Шохрухбек Абдуллажон ўғли — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

“Шухрат” медали билан

Абдуазимов Азизжон Хасанбой ўғли — Марғилон шаҳар мусиқа драма театри артист-мақомчиси, Фаргона вилояти

Авезов Рауф Расулович — Ўзбекистон давлат филармониясининг Бухоро вилояти бўлими директори

Агзамов Дониёр Бахтиёрвич — Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтининг мусиқий овоз режиссёрлиги кафедраси катта ўқитувчиси

Азизов Шухрат Менгизиевич — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоир

Атакулова Дилфуза Нуруллаевна — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Лазги” ансамбли балетмейстери

Ахмедова Фазилат Ботировна — Ўзбекистон давлат филармонияси солист-вокалисти

Бабаев Хожаяз Джуманязович — Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекциясининг Нукус минтақавий реставрация маркази директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Байбосинова Сения Сарсенбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданият бўлими директори

Барисов Саидқабар Асрорович — Маданий мерос илмий-тадқиқот институтининг жанубий худудлар бўйича лойиҳалаш бўлими бошлиғи

Ғаниязарова Нигора Анорбаевна — Сирдарё вилояти мусиқа драма театри бош режиссёри

Ибрагимов Жаҳонгир Бахтиёрвич — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, постановкачи оператор

Ибрагимов Гулчехра Шаҳобидиновна — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоира

Изентаева Гулбахар Жоллибаевна — И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Қадиров Маҳаммад Пулатович — Наманган вилояти маданий мерос бошқармаси бошлиғи

Қалмуратов Нурлан Юсупович — “Айқулаш” қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли раққоси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қаримов Абдувоҳид Бозорович — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, кулол ва расм, Тошкент шаҳри

Қўқанов Абдуҷалил Холматович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасасининг Фаргона вилояти бўлими хонандаси

Қудлошев Байрамали — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Қурбоналиев Бобуржон Дилшод ўғли — Ўзбекистон давлат филармониясининг Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада симфоник оркестри бош дирижёри

Лутфуллаев Самидхон Исмоилович — Ўзбекистон давлат драма театри артисти

Мавлоновлар Мухаммад-Раҳод Хожикўл ўғли — “Кўкюн” давлат музей-кўриқхонаси директори, Фаргона вилояти

Мамадалиева Муқаддас — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусиқа театри солист-вокалисти

Мамадиев Баходир Бобожонович — Қашқадарё вилояти тарихи ва маданият бўлими директори

Матлубова Санобар Бузрукновна — Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори

Маҳаммадиев Асад Шерзодович — Тошкент шаҳридаги “Iosis” хусусий корхонасининг оммавий тадбирлар овоз режиссёри ва оператори

Мойдинов Эргашбой — Янгйўл тумани маданият бўлимининг “Маржон” дорбозлар жамоаси режиссёри, Тошкент вилояти

Мухиддинов Акмал Нусратиллоевич — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймаkori, Бухоро вилояти

Нажмиддинов Бахтиёржон Усмоналиевич — Бухоро вилояти мусиқа драма театри артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2026 йил 28 май

Одилова Гулнара Клиевна — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, каша-чи, Қашқадарё вилояти

Пулатов Миралид Мирсағатович — Маданий мерос илмий-тадқиқот институтининг шимолӣ-ғарбий худудлар бўйича лойиҳалаш бўлими бошлиғи

Расулов Ихтиёржон Махмудович — Андижон вилояти тарихи ва маданият бўлими директори

Раҳимов Шохрух Алишер ўғли — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, кулол, Тошкент шаҳри

Рейсов Султамурат Еденбаевич — Ўзбекистон давлат филармониясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими халқ чолғулари оркестри дирижёри

Рузимов Зиёджон Ҳакимжанович — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли мусиқа раҳбари

Рустамов Улуғбек Бохадирович — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актери

Саидов Муминхон Мунир ўғли — Яҳё Ғулумов номидаги Самарқанд археология институти директори, Самарқанд вилояти

Самиев Масуд Кимович — “Самарқанд” давлат музей-қўриқхонаси директори, Самарқанд вилояти

Санакулов Шухрат Абдукаримович — Самарқанд вилояти мусиқа драма театри бош режиссёри

Тажиева Рохат Закировна — Хоразм вилояти кўзи оғизлар кутубхонаси директори-режиссёри

Туранов Ҳамдамжон Мансурович — “Талант шоу” ва “Овоз” лойиҳалари продюсери

Умаров Алмас Абдураҳимович — Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси бўлими бошлиғи

Умаров Нодирбек Тўлқинович — эркин ижодкор, бастакор

Усмонов Сирожиддин Мамадалиевич — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг вокал ва чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси, қонун чолғуси созандаси

Файзиев Элбек Нуруллаевич — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, актёр

Файзуллоев Миршакар Шухратович — эркин ижодкор, телебошловчи

Ҳайитов Фахриддин Худойкулович — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоир

Ҳалилов Жамшид Набиевич — “Бухоро” давлат музей-қўриқхонаси директори-инженер илмий ишлар бўйича ўринбосари, Бухоро вилояти

Холов Зоҳиджон Аширмат ўғли — Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси, шоир

Холова Наргис Абдураҳмановна — Темирйўл тарихи давлат музейининг фондлар ва архив бўлими мудири

Юлдашев Зафар Абдуманнапович — Болалар контентини ривожлантириш маркази директори-режиссёри

</

Ижтимоий ҳимоя



Мазкур ҳужжат тиббиёт, ижтимоий ҳимоя, маҳалла, диний-маърифий муассасалар ва жамоатчиликни ягона мақсад атрофида бирлаштирмақда. Масъуллар юртдошларимиз ёнига Ўзбекистон инсонпарварлик сиёсатининг намуналари — катта тухфалар ҳамда хуш кайфият олиб бормоқда.

Оғир касалликдан жабр кўраётган оила кўп ҳолларда даромад манбаини йўқотади, қарзга киради, меҳнат бозоридан узилади, фарзанд таълими ва кундалик эҳтиёжлар иккинчи даражага тушиб қолади. Давлатнинг бундай аралашуви оилани иқтисодий синишдан асрайди. Уларнинг елкасидан суяйдиган Ватани — Ўзбекистон борлигини билдириб туради.

Қарорда 690 миллиард сўм давлат мақсадли жамғармалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан “Вақф” хайрия жамоат фонди орқали

Инсон қадрин учун



Юртимизда юритилётган кучли ижтимоий сиёсат нафақат замонавий ижтимоий ҳимоя механизмлари, балки халқимизга хос юксак маънавий қадриятлар, меҳр-оқибат, саховат, ўзаро кўмак, кексаларга хурмат ва жамият олдидаги масъулият тамойилларига ҳам таянади.

МЕҲР-ОҚИБАТ, ХАЙРУ САХОВАТ — МУБОРАК КУНЛАРНИНГ УЛУҒ ФАЗИЛАТИ



Бугун Ўзбекистонда ижтимоий ёрдамга бир марталик кўмак эмас, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг давлатга ишончини кучайтириш ва ҳамжихатлик муҳитини қарор топтиришнинг муҳим воситаси сифатида қаралади. Айниқса, бу тамойиллар халқимизга хос эгу фазилатларни мужассам этган муборак Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларида янада ёрқинроқ намоён бўлади. Зеро, ушбу муқаддас айёмлар инсонпарварлик, саховат ва бағрикенгликнинг юксак тимсолидир.

Президентимизнинг жорий йил 21 майдаги “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори меҳр ва кўмакка муҳтож кўпга юртдошларимиз қалбига қувонч олиб кирди.

Хусусан, ҳужжатда давлат таъминотидаги оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни озиқ-овқат тўпаллари билан таъминлаш белгиланган. Мазкур чора-тадбирлар “Вақф” хайрия жамоат фондида ажратилган 690 миллиард сўм ҳисобидан молиялаштирилади.

Айни кунларда “Вақф” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан эҳтиёжманд беморларнинг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ва даволаш харажатлари ҳам тўлиқ қоплаб берилмоқда. Оғир хасталик билан курашаётганларга бепул операция ваучерлари топширилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги бор, оғир аҳволдаги ўн миң

болада мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилиши белгиланган. Шу билан бирга, онкологик, гематологик ва онкогематологик таълим қўйилган 2300 беморни тиббий текширувдан ўтказиш ва даволаш ҳамда қамида 350 беморга жигар ва буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилди.

Ушбу хайрли ташаббус кўпга юртдошларимиз қатори йиғирма йилдан буён буйрак етишмовчилигидан азият чекаётган Темур Ҳакимов қалбига ҳам чексиз умид, ҳонадонига эса байрамона қувонч олиб кирди. Унинг яқинлари давлатимизнинг инсон қадрини улуглашга қаратилган меҳрли сиёсатидан беҳад мамун эканини билдириди.


Оғир хасталик нафақат инсон танаси ва руҳияти, балки унинг яқинларини ҳам синовдан ўтказди. Ушбу хасталик сабаб етти йилдан буён гемодиализ муолажасини олиб келаётган Т.Ҳакимов учун трансплантация амалиёти ҳаётини қайтадан бошлаш имкониятидир.

Бу эгу ишларнинг Қурбон ҳайити арафасида қилинаётгани муҳим аҳамиятга эга. Зеро, инсонларга яхшилик улашиш, меҳр-оқибат кўрсатиш аини шу муборак кунларнинг улуг фазилатларидандир.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги бундай эгу ишлар “Инсон қадрин учун” тамойили амалда ўз ифодасини топаётганининг ёрқин ифодасидир.

Баҳодир МУҲАММАДИЕВ,
“Вақф” хайрия жамоат фондининг Юнусобод туманидаги вакили

ЖАМИЯТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ



Фарид НАЗАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бета

Булар шунчаки оддий сонлар эмас. Чунки улар ортида минглаб оилалар умиди, ота-оналар юрагидagi оғир хавотир, чорасизликка ечим, минглаб юртдошларимиз тақдирини турибди. Болаларнинг даволаниши, соғлом ҳаётга қайтишининг ўзи

чексиз қувонч, орзулар рўёби, ҳақиқий байрам тухфасидир.

Ҳайит байрами шуқуҳи болаларнинг шодон кулгуси, самимий табассумида бўлади. Шу боис, ота-оналар, бобо-бувилар уларга ҳайитлик тухфа этади. Қурбон ҳайити муносабати билан эса давлатимиз томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум болалар, васийлик, ҳомийликдаги фарзандлар, Меҳрибонлик уйлари, оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналарнинг фарзандлари ҳамда “Taskin Children’s Hospice”да даволанаётган болаларнинг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдорига пул қўйилиши назарда тутилган. Бу маблағ рамзий кўмақдан кўра кенгроқ маъно касб этади: давлат болага “Сен ёлғиз қолганин йўқ” деган ишончини беради.

Ижтимоий давлатнинг қиёфаси айнан шундай қарорларда кўринади. Қонулар, дастурлар, стратегиялар қоғозда қолиб кетмаслиги учун улар инсон тақдирига тегиши, оила дардига ечим бўлиши, бола келажагига йўл очиши лозим.



молиялаштирилиши белгиланган. Бу моделнинг ўзи ҳам эътиборга лойиқ. Давлат молиявий қафолат беради, жамоатчилик ва хайрия институти эса эгу ишларнинг амалий каналларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги эҳтиёжманд тонфалар билан ишлаш, болалар ва оилалар манфаатларини ҳимоя

бўлади. Касаллик билан курашаётган бола учун операция ёки дори-дармон қанчалик зарур бўлса, меҳр, ишонч, сабр ва тарбия ҳам шунчалик муҳим.

Мазкур қарор ижтимоий мақом нуқтаи назардан Ўзбекистонни янада инсонпарвар давлат сифатида намоён қилади. Чунки давлатларнинг куч-қудрати йўл, бино, санат корхоналарини қуриш билан бирга мана шундай ижтимоий лойиҳаларни ўтказишда яққол кўринади.

Қурбон ҳайити муносабати билан қабул қилинган ушбу қарор жамиятга жуда муҳим сигнал берди, яъни саховат фақат шахсий фазилат бўлиб қолмай, давлат бошқаруvinнинг ҳам ахлоқий мезонига айланмоқда. Бу йўналиш келажақда ижтимоий иш, тиббий суғурта, маҳалла, хайрия институтлари ва рақамли ҳисобот тизимлари ўртасида янада чуқур интеграцияни талаб қилади.

Байрам шуқуҳи саховат дастурхонидagi таом билан ўлчанмайди, у операция хонасида ҳаёт учун курашаётган боланинг нафасида, даволаниш харажати қопланган беморнинг кўзидаги енгилликда, васийликдаги боланинг омонат ҳисобварағида, обод қилинган қабристондаги хотира маданиятида, масжидда яратилган қулай шароитларда ифодасини топади.

Қурбон ҳайити руҳи ҳам аслида шу: инсон инсонга яқинлашади, давлат халқ дardига янада яқин туради, саховат эса жамиятни бирлаштирувчи сокин, аммо қудратли кучга айланади.



Иззатилло АКРАМОВ,
Фаргона вилояти

Саховат тадбирларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, беморларга ҳам кўрсатилаётган чексиз меҳр ва ғамхўрлик эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлаяпти, кўксимизни ифтихорга тўлдирмоқда. Бундай ғамхўрликдан нафақат мен, балки бутун оила аъзоларим хурсанд. Чунки инсон қадрини улуглашган юрtda ҳеч ким эътибордан четда қолмайди.

Дил изҳори

Ота-онам автохалокатга учраб, ҳалок бўлганида 5 ёшли бола эдим. Эрталаб юз-кўзларимдан ўпиб, мен ва опамга шириндан шакар неъматлар, ўйинчоқлар олиб келишларини айтиб, кўчага чиқиб кетган меҳрибонларимни бир зумда йўқотиш биз учун жуда оғир бўлган. Бола бўлсам-да, бу аламли кунларни яхши эслайман...

Шукрки, ёлғизлиб қолмадик. Яқин қариндошларим, давлатимиз ғамхўрлигини ҳис қилиб яшаб келяпмиз. Бизни амаким васийликка олган. Ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ.

Раҳматли ота-онам жуда меҳрибон эди. Билимли, эсли-хушли бўлиб

БОЛАЖОН ЮРТДА ЯШАЁТганимдан ФАҲРЛАНАМАН

улгайишимизни истарди. Айтганлари ижобат бўлди. Опам Фаргона давлат университетига чин етим фарзандлар учун берилган имтиёзли квота асосида ўқишга кириб, олийгоҳни аъло баҳоларга тамомлади. Бугун мустақил ҳаёт йўлини қурган ёшлардан.

Жорий йил тумандаги 4-умумтаълим мактабининг 10-синфини битирдим. Мақтабда ўқиш билан бирга қўшимча фан, спорт-соғломлаштириш тўғраракларига қатнашаман. Келгусида иқтисодчи бўлишни мақсад қилганман.

Яхшиларнинг бори яхши. Олтириқ тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари тез-тез хабар олиб турибди. Президентимизнинг чексиз эътибори ва ғамхўрлиги туфайли Янги йил байрами муносабати билан бизга 500 АҚШ доллари миқдорига бир марталик моддий ёрдам берилди. Бошқа совға-саломлар, йўқлаб келувчилар бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ. Мен инсон

қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйган, болажон юртда яшаётганимдан ҳамиша фахрланаман.

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, бағрикенглик каби эгу фазилатлар янада қулоқ ёзгани юз минглаб оилаларга хотиржамлик, юртдошларимиз қалбига қувонч, шукроналик туйғуларини олиб кирди.

66 Байрам муносабати билан шулар қатори омонат ҳисобварақамга 200 АҚШ доллари миқдорига пул қўйилгани қалбимга бир олам қувонч улашди. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаганди.

Шуқуҳ

Сурхондарёлик Муниса Шодиқуловага остеосаркома — суюқ саратони ташхиси қўйилган, бир неча ойдан буён шифохонада даволанаётган эди. Моддий имконияти чеклангани сабабли зарур жарроҳлик амалиёти орtda сурилаётганди. Қурбон ҳайити арафасида Муниса учун бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилиши белгиланди. Бу хабар ёш қиз ва унинг яқинларига яна яшашга, ҳаётга, ёрқин келажақка ишончини қайтарди.



чиқарувчи касалликларга чалинган болалар қалбига бир олам қувонч улашмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан

аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида “Ижтимоий реестр”га киритилган,

давлат таъминотидаги 20 миңдан ортиқ оилага озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шунингдек, Муниса каби оғир хасталикка чалинган беморлар ҳамда болаларнинг жарроҳлик амалиёти ва даволаниши учун ваучерлар тарқатилди.

Ҳаммамиз ҳам бир пайтлар бола бўлганмиз. Уша даврда ота-онанинг, ёши катта қариндошларининг, маҳалладошларинингдан ҳайитлик олгандаги лаҳза қувончини эслай оласизми? Ёки ҳайитлик улаша туриб, уни олган болалардаги таасуротни кузатдингизми? Катта эҳтимол билан бу жараён, ундаги самимият сизга бегона эмас.

Ҳа, бу байрам янги либос кийиш, яқинларимиздан ширинлик олиш каби манфаатдорлик доирасидан анча кенг. У, аввало, ўзаро меҳр-оқибат, хайру саховат, гиналарни унуттиш, бирдамлик айёми.

Қурбон ҳайитининг ана шундай қувончлари Термиз шаҳридаги Жайхун

махалласида яшовчи Нозанин Исмаиллаеванинг ҳонадонига ҳам кириб бори.

— Юрак етишмовчилиги туфайли кизимиз бир неча йиллардан буён даволанади. Нозаниннинг муҳим операцияси турли сабаблар билан кечикиб келаётган эди. Шу қутлуг кунларда кизимизга операция ва даволаниш харажатлари учун ваучер тақдим этилди. Бу эса унинг соғлом ҳаётини томон ташланган энг муҳим қадамлардан бирига айланади. — дейди онаси Дилором Жўраева.

Термизлик Малика Ҳақназарова болалигида кучли шамоллаган. Оқибатда нафас йўллари яллиғланиб, бурнида мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказиш зарурати туғилганди. Йиллар давомида уни қийнаб келган бу муаммо ҳам эндиликда давлат кўмағида бартараф этиладиган бўлди.

Бандхон туманида бундай эгу ишлар кенг қулоқ ёзиб, оғир ва ногиронлиқни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 11 болажонга бепул даволаниб,

жарроҳлик амалиётини ўтказиши учун ваучерлар топширилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган ва ёлғиз яшовчи 456 оилага 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Қутлуг айём арафасида Ангор туманида ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар қўллаб-қувватланиб, уларнинг байрамни муносиб ўтказишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда туман ҳокимлигига ана шу тоифадаги 700 та оила вакиллари тақлиф этилиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Бугун Муниса, Нозанин ва Малика сингари эртага ёруғ нигоҳ билан қарай бошлаган келажагимиз эгалари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож саналган минглаб ҳонадонлар вакиллари учун Қурбон ҳайити ва шу муносабат билан улашилган алоҳида меҳр-эътибор шунчаки байрам эмас, янги умид айёмига айланади. Чунки инсон қадрини улуглашган юртда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Одамлар одатда бепул тўғараклар, дарсларни сифатсиз, юзаки бўлади деб ўрганиб қолган. Бироқ лойиҳадан тил ўрганаётган қайси ёш билан суҳбатлашманг, дарслар шунчаки эмас, натижа учун ўтилаётганини айтади. Фақат қизиқиш билан мунтазам қатнашиб борилса, бас.

2026 йил 29 май, 108-сон

Нуқтаи назар



СОҒЛОМ АВЛОД ЗЕХНИЯТИДА ШАКЛЛАНАЁТГАН МАТОНАТ

мамлакатнинг эртанги салоҳиятини белгилаб беради

Юртимизда спорт инфратузилмасини кенгайтириш, замонавий спорт мажмуалари қуриш, халқаро стандартларга мос тайёргарлик тизимини шакллантириш, ёшларни оммавий спортга жалб этиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Олимпия шаҳарчасининг бунёд этилиши, спорт академиясининг ташкил қилиниши, шунингдек, мураббий ва мутахассислар малакасини ошириш тизимининг янгича йўсинда йўлга қўйилишини ёдга олиш кифоя.

Спорт тизимидаги энг муҳим бўғинлардан бири мураббийлар фаолиятидир. Ҳар қандай чемпион ортида йиллар давомида заҳматли меҳнати билан шогирдлари учун астойдил қайғурадиган, мағлубият қаршида эсанқирамаслик, галаба онда манманликка берилмаслики эслатиб тургучи мураббийлар, устозлар туриши ҳам маълум. Шу сабабли соҳадаги бугунги ишхўрларда мураббий шахсига талаблар тубдан ўзгармоқда. Улардан улкан тажриба ва техник элементлар борасидаги пухта билимлар билан бир қаторда юксак маънавият, педагогик маҳорат, психологик тайёргарлик, замонавий билим ва креатив ёндашув талаб этилади. Шу маънода, тренерлик фаолиятига оид қонунчиликнинг такомиллашганлиги ушбу касбнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлади. Айниқса, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг янги тахририда мураббийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, касбий масъулияти, этикавий мезонлари ҳамда малака талаблари аниқ белгилаб қўйилди. Бу ўзгаришлар спорт тизимида профессионал муҳитни қайта қуриш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, халқаро майдонларда рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, спорт инфратузилмасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган тайёргарлик тизимини яратиш, профессионал спорт таълимини янги бошқича олиб чиқиш бўйича кенг қўламли амалий ишлар бажарилди ва бажарилаётган. Хусусан, Олимпия шаҳарчасининг бунёд этилиши ҳамда спорт академиясининг ташкил қилиниши ана шу ёндашувнинг яққол намунаси дейиш мумкин.

Олимпия шаҳарчаси — бугунги спорт сийосатининг рамзий ифодаси. Ушбу мажмуа йирик спорт экотизимини ўзида мужассам этади. Бу ерда спортчиларнинг машгулот ўтказиши, тикланиши, илмий

ихтисослаштирилган мактаблар ва тайёргарлик марказлари ёшларнинг истеъдодини эрта аниқлаш ҳамда ривожлантириш имконини бермоқда. Ушбу жараён узоқ ҳудудлардаги ёшлар учун ҳам улкан рағбат манбаига айланди. Айниқса, ёш авлод учун яратилаётган имкониятлар уларнинг ҳаётга қаршига ижобий таъсир этиб, ўз олдига катта мақсадлар қўйишига туртки бермоқда. Шундай экан, бугунги спорт тизими мураккаб ва тез ўзгарувчан жараёнлар билан тавсифланади. Замонавий мусобақаларда юқори натижага эришиш куч ёки истеъдод билангина белгиланмайди. Илмий ёндашув, методик тайёргарлик, психологик бошқарув, технологик имкониятлардан фойдаланиш, мураббий тафаккурининг кенглиги ҳам ҳал қилувчи омиллардан. Айни мақсад йўлида барпо этилган спорт академияси ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш институти фаолияти ҳам шу жиҳатдан алоҳида эътиборга молик. Мазкур тизим орқали спорт таълими ташкилотлари раҳбарлари, тренерлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва бошқа мутахассисларнинг касбий билими мунтазам янгиланиб бормоқда. Мухими, бугунги малака ошириш жараёнида интерактив усуллар, амалий машгулотлар, муаммолар вазиятлар таҳлили, инновацион педагогик технологиялар ва замонавий спорт методикаларига кенг ўрин берилмоқда.

Бундан ташқари, спорт соҳасида касбий компетенцияларни ривожлантириш масаласи халқаро рақобат билан ҳам бевосита алоқадор. Глобал спорт майдонида тайёргарлик тизимлари ўртасидаги тафовут бисёр. Улар орасидан энг яхши тажрибаларни ўз вақтида илгаш ҳамда амалиётга жорий этиш гоят муҳим. Юқори натижага учун курашда сонилар, айрим ҳолларда ҳатто сониянинг юздан бири улushi ҳаммасини ҳал қилиб қўйиши мумкин.

Бундай шароитда мураббий билимининг чуқурлиги ва методик тайёргарлиги катта аҳамият беради. Айни чоғда касбий ривожланиш борасида узлуксизлик таъминлаш алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки спортдаги ўзгаришлар бир жойда тўхтаб қолмайди. Қондалар янгиланади, методикалар ўзгаради ҳамда тикланиш технологиялари такомиллашиб, спорт физиологиясига оид янги илмий қарашлар пайдо бўлади. Ана шу жараёнларда билим ва кўникмаларини мунтазам бойитиб бориши мураббийларнинг профессионал барқарорлигини таъминлайди. Бу йўналишдаги изчил ишлар келгусида мамлакат спортининг халқаро майдондаги салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Аммо энг муҳими бу эмас, асосий мақсад ўзига ишонган, соғлом фикрлайдиган, мустаҳкам иродали авлоднинг тарбиялаш.

Шу маънода, бир фикрни илгари сурмоқчимиз. Келажақда технологиялар ўзгарар, касблар янгиланар, дунёқараш ва ҳатто тафаккур ҳамда яшаш тарзи ўзгача тус олиши мумкин. Бироқ инсонни инсон қилиб турадиган энг муҳим сифатлар ўзгаришсиз қолаверади. Сабр, интизом, ирода сингари фазилатлар шулар жумласидан. Спорт эса ана шу фазилатларни тарбиялайди, камол топтиради. Мураббийлар уларни инсон қалбига, руҳияти ва шуғрига сингирдирадиган шахсдир. Шу боис, спорт соҳасини ривожлантириш вазифаси моҳиятан жамиятнинг эртанги қиёфасини шакллантириш масаласи, десак ҳам янглишмаймиз. Бугун соғлом турмуш тарзи учун машгулотларга қатнаётган болалар орасида эртанги чемпионлари ҳам, олимлари ҳам, ватан олдидики катта масъулиятни зиммасига ола билмайдиган келажақ лидерлари ҳам улғаймоқда. Уларнинг характерида бугун илдиз отаётган матонат эса мамлакатнинг эртанги қудратини белгилаб беришига асло шубҳа йўқ.

Асқар АМАНОВ,
Ўзбекистон спорт академияси ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, профессор
Акрам АКМАЛОВ,
институт профессори

Тил эгалари



ЁШЛАРГА ТАЯНЧ ЛОЙИҲА

Бир эмас, бир нечта хорижий тилда бемалол суҳбатлашадиган ёшларга ҳавасимиз келади. Бундайлар маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар орзулаганидек, “гайри тилларни ўрганишга саъй қилган, тил билмак фойдали кон” эканини чуқур англаётган йигит-қизлардир. Уларнинг аксарияти ота-онасини катта маблағ сарфлашга мажбур қилмапти, мамлакатимизда илм эгаллаш, айниқса, тил ўрганиш учун яратилган чексиз имкониятлардан унумли фойдаланяпти, холос.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ёшларни замонавий касблар ва чет тилларга ўқитиш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда ҳар бир вилоятда биттадан “Креатив парк” ташкил этиб, уларга ҳар йили камида 40 минг ёшни жалб қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, айни мақсадга эришиш учун мактаб битирувчилари камида 2 та хорижий тил ва битта касбини эгаллаши кераклиги белгилаб қўйилган.

Мазкур вазифалар Ёшлар ишлари агентлигининг “Ибрат фарзандлари” лойиҳасини йўлга қўйишга ундади. Муваффақиятли амалга ошган гоё ёшларнинг бепул тил ўрганиши учун ажойиб имконият бўлди. У орқали 22 та хорижий тил, шунингдек, IELTS, TOEFL тестларига тайёрлов курслари, ахборот технологияларининг инглиз тилидаги формати, болалар учун инглиз тили, имо-ишора тили дарсларини Youtube платформаси ҳамда “Ibrat Academy” мобил иловаси ёрдамида бепул, сода, тизимли ва креатив усулда ўрганиш мумкин. Бу катта имконият. Шу боис, айни пайтга келиб, “Ибрат фарзандлари” лойиҳасининг Youtube платформасидаги обуначилари сони бир миллиондан ошди. Лойиҳа раҳбари Рустам Қориев “Ibrat Academy” иловаси фойдаланувчилари ҳам 3 миллиондан ортгани, лойиҳа ёшларга чинакам таянч бўлаётганидан мамнуллигини билдирди.

Платформадан фойдаланиб, давлат гранти асосида ўқияпман

— Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманида тутилганман. Болаликдан немис тилига қизиққанман, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Элбек Дуллиев. — Ўқув марказлари, репетиторлар билан натижаларим кутганимдек бўлмади. 2023 йилда ижтимоий тармоқлар орқали “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ҳақида эшитиб, немис тили дарсларини иловадан ўргана бошладим. Айтсам, кўпчилик ишонмайди. Шу платформа ёрдамида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг немис тили йўналишига давлат гранти асосида ўқишга кирдим. В2 даражали сертификат олдим. Германияга икки мартаба грант асосида бориб келдим. Бугун ўзимнинг ҳам кўплаб ўқувчиларим бор.

Бухоролик Ширин Шералиева лойиҳа ҳақида онасидан эшитган. Инглиз тилини арзон ва сифатли ўрганиш истигади юрган ўқувчи учун бу аниқ муд-до бўлганди ўшанда.

— Тил курслари арзон эмас. Аммо лойиҳа доирасида дарсларни бепул ўргандим, — дейди у. — Кунига бир неча соатлаб планшетада дарс тайёрлардим. Натижа аъло бўлди. IELTS имтиҳонидан 7 балл олдим. Туманимиз марказидаги ўқув курсида дарс ҳам бера бошладим. Илк машини олиб келганимда онам қувонганидан роса йиғлади. Бугун талабаман. Келажақдаги мақсадим — таниқли таржимон бўлиш. Бунинг учун тинмай ўз устимда ишлаяпман.

Одамлар одатда бепул тўғараклар, дарсларни сифатсиз, юзаки бўлади деб ўрганиб қолган. Бироқ лойиҳадан тил ўрганаётган қайси ёш билан суҳбатлашманг, дарслар шунчаки эмас, натижа учун ўтилаётганини айтади. Фақат қизиқиш билан мунтазам қатнашиб борилса, бас.

Сунъий идрок ўзбек тилини ҳам осон ўргатади

“Ибрат фарзандлари” ННТ бўлим бошлиғи Маҳфуза Ортиқова билан суҳбатда лойиҳа ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдим. Хусусан, хорижликлар учун ўзбек тили ва грамматикасини ўргатишни ҳам Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб шу лойиҳада йўлга қўйилган. Бугун чет элликларга ўзбек тили



бепул ўргатилиши баробарида махсус саводхонлик дарслари ўтилади.

Ўтган йили мамлакатимизда илк бор она тилимизни ўргатиш бўйича сунъий идрок ёрдамида яратилган ўзбек тили дастури платформаси эълон қилинди. Лойиҳа доирасидаги мазкур дастур leartuzbek.ai платформасига жойлаштирилган. У ҳам бепул ва хорижликларга ўзбек тилини инглиз тили орқали ўрганиш имконини беради. — “Ўзбек тили” дастури доирасида шу кунгача 115 та бўлим, 970 та дарс, 3700 дан ортиқ янги сўз ва 7000 дан зиёд машқларни қамраб олган ҳамда кенг фойдаланувчилар аудиториясига мулжалланган курс ишлаб чиқилди, — дейди дастур муаллифи, тилшунос Намоз Расулов. — Унда талаффуздан тортиб, кундалик қўлланадиган сўз ҳамда ибораларга ҳам ўрганиш мумкин. Дастурдан юртимиздаги ўзга мила-лат вакиллари ва хорижлик фуқаролар, Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар, шу ерда фаолият юритаётган турли соҳа вакиллари, хорижлик талабалар, чет давлатларда истиқомат қилувчи ватандошларимиз, хорижий мамлакатлар ҳамда юртимиздаги ўзбек тили курслари ўқувчилари, умуман, ўзбек тилини ўрганиш истигадидаги ҳар қандай инсон фойдалани-ши мумкин.

Дастурнинг яна бир ўзига хослиги — унда талаф-фуз қондалари сунъий идрокда ўзбеклаштирилган. Мутасаддининг айтишича, мазкур платформага жойлаштирилган ҳар бир даража дастури CEFR талабларига бинаоан ишлаб чиқилган.

“Ибрат фарзандлари” саҳифаси обуначилари сони 1 миллионга етгани ёшларимизнинг илмга, тил ўрганишга катта иштиқини амалда ислоблади. Ушбу видеодрсларнинг мантйик давоми сифати-да қиңда “Ибратли имло” амалий қўлланмаси ҳам яратилди.

— Бугунги давр мунтазам ҳаракат қилгани-ки. Ахборот майдонида сунъий идрокнинг роли кун сайин ортмоқда, — дейди “Ibrat Academy” мобил иловаси бошқарувчиси Искандар Камо-лидинов. — Буни теран анлаган ҳолда сунъий идрокни хорижий тилларни ўргатиш тизимига ин-теграция қилдик. Бундан ташқари, футбол учун ин-лиз тили, Great Debater дастурлари ёшларимиз учун манфаатли бўлмоқда. Бу каби премиум курслар яна бошқа тилларда ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Айни пайтда “Ибрат фарзандлари” таркибида чет тилларни ўргатувчи “TOP 100 Uni”, “Ibrat Debate”, “Ibrat Camp”, “Ibrat master class”, “Ibrat quiz”, “Но-тиқлик маҳорати”, “Speaking club”, болалар учун “Ibrat Kids City”, хорижий тилларни ўрганиш на-тижасида турмуш даражаси ортган инсонлар ҳақи-да сўзловчи “Ибрат кашфиётлари” каби лойиҳалар ташкил қилиб келинаётган.

Бугун лойиҳа ўз доирасидаги имкониятлар — дунёдаги тилларни ўзбек тили орқали ўргатиш ва ўзбек тилини хорижий мамлакатларда омалашти-риш, электрон ва босма дарсликлар, терминологик луғатлар ҳамда интерактив дастурларни ишлаб чиқиш каби амалий ютуқларга эришяпти.

Қутилетган натижалар — ёшлар ўртасида хори-жий тилларни ўргатиш ва ўзбек тилининг халқро ўрганилишини қўллаб-қувватлаш, мобил илова орқали тилларни ўрганишни осонлаштиришга ҳам астойдил эришилди.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири





Мулоҳаза

Метафора оҳангидаги айти сарлавҳада қуйидагиларни назарда тутганимиз: тафаккурнинг бир кўзи — китоб. Унинг ёрдамида диққатни жамлаб, керакли материални батафсил ўрганиш, чуқур фикрлаш орқали билимни ўзлаштириш ва бойитиш мумкин. Иккинчи кўз — гаджет воситасида эса тез, юзаки ва интерактив фикрланади. Ҳа, технологиялар замонида минглаб имкониятга эга турли электрон қурилмалар яратилмоқда. Улар ёрдамида жуда мураккаб вазифаларни ҳам бир зумда бажаряпмиз. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор.

Йўқ, биз гаджетларни яхши ёки ёмон деб қатъий хулоса чиқармоқчи эмасмиз. Улар шунчаки замонавий қурилмалар, холос. Асосий масала улардан қандай мақсадда ва қай тарзда фойдаланаётганимизда. Қолаверса, гап шу орқали технологиялар билан миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда ахлоқий муносабатлар ўртасида ўзимиз ҳосил қилаётган зиддиятлар борасида бормоқда.

Ижтимоий тармоқлардан бирида социолог олим Суҳроб Хидировнинг шу мавзудаги фикрларига кўзим тушди. У дунёга машҳур кинорежиссёр Стивен Спилберг асарига асосда “Узбекфильм” киностудиясида режиссёр Нозим Тўлақўшев томонидан ишланган “Майин ёмғир ёғди” мультфильмини мисол келтириб, бундай дейди:

— Фильмнинг асосий ғояси технология тараққиёти инсониятнинг ахлоқий масъулиятини устун бўлмаслиги ҳақида огоҳлантиришдир. Илмий жиҳатдан қаралганда, сунъий интеллект фақат алгоритмлар ва маълумотларга асосланган ҳисоблаш тизими. У онг, ҳиссиёт ва ахлоқий жиҳатдан баҳолаш қобилиятига эга эмас. Шунинг учун технология ривожини инсон назорати ва маънавий тамойиллар билан мувозанатда бўлиши зарур. Бу фильм бизни техникани шунчаки яратиш эмас, балки қандай мақсадда ва қандай масъулият билан қўлдан келтирилган ҳақида чуқур ўйлашга чорлайди.

Бир қарашда бундай мулоҳазалар оддий ўқувчи учун бир оз илмийдек туюлиши мумкин. Лекин мазмуни инсон маънавияти, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳам бевосита боғлиқ. Шу маънода, одоб-ахлоқ, маънавий қарашлар ва маънавиятни юксак қадрлайдиган халқ сифатида мазкур мазмуни ҳар биримизга дахлдор.

Шиддатли замонга ҳамнафас бўлиш, ишда ва ўқишда кўн нарсага улгуриш, кундалик турмушда вазифаларни бажариш осон ва қулай бўлиши учун технологик



ТАФАККУРНИНГ ИККИ КЎЗИ

Бири китоб, иккинчиси гаджетга айландими?

воситалардан кенг қўламда фойдаланишимиз. Айниқса, уяли телефонлар бу борада етакчи ўринга чиқди. Улар шунчалик урфга киргани, ким қандай фойдаланаётганига эътибор ҳам бермай қўйганмиз. Бу қурилмаларни қўллашда на ёшнинг, на касб-хунанинг аҳамияти қолди. Айниқса, ёшлар ва ўсимирлар йўлда ҳам, уй ва ўқишда ҳам бу матоҳни қўлдан қўймайди. Ҳатто ухлаётганда ҳам кўнгирокчи эшитмай қўлидан қўчиб, уяли телефонни ёстигининг ёнига қўйишни қанда қилмайди.

Бу каби манзаралар — кундалик ҳаётда уяли телефонлардан фойдаланишга доир энг содда ва кўп учрайдиган кўринишлар. Лекин бу ҳамма улардан фақат шу тарзда фойдаланади дегани эмас, албатта.

Чексиз ахборот маконида таниқли мутахассислар ва олимлар томонидан бу мавзуда турли мулоҳазалар бериб борилади. Уларнинг босма китоб ва матбуот орқали ҳар қандай ахборотни ўзлаштириш борасидаги кўпга ижобий хулосалари ҳам ўрнили. Шу билан бирга, технологик қурилмаларнинг қулай жиҳатлари ҳақидаги фикрларини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Бундай ҳолатда гўёки маънавий ва техник тараққиёт ўртасида дилемма юзага келгандек туюлади: қай бири афзал? Эҳтимол, саволни бундай шаклда қўйиш керак эмасдир. Чунки ҳар икки йўналиш ҳам ҳаётимиз учун бирдек муҳим ва зарур. Техника тараққиёти яшаш шароитимизни яхшилашга ва қулай бўлишига ҳам хизмат қилса, маънавият ҳаётимиз,



тафаккуримиз мазмуни ҳамда инсоний қиёфамиз кўзгуси.

Гаджетлар оламнинг асл аъзоларига айланиб улгурган бугунги ёшлар (ўсимирлар ва кичик ёшдаги болалар ҳам) ҳамда бу олам иммигрантлари бўлиши ота-оналар ўртасидаги мулоқот ва муносабатлар ҳам ўзгача тус олаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Айтилик, эшик кўнгириги жиринглаб, болангиз кириб келади. Онасининг “Келдингми, қаерда эдинг?” каби саволларига ҳам тушунарсиз бир нималар деганча, қули-

да телефон билан ўз хонасига шошиб кириб кетади. Ота-онанинг деярли бириро топширигига “Йўқ” деймайди, аммо уни ўз вақтида бажармайди ҳам. Жавоб доим деярли бир хил бўлади: “Ҳўп, ҳозир...” ва тамом.

Уйдагилар билан жонли мулоқот жуда суст, ҳамма виртуал оламга шўнган. Айтилик, оналар телефонга кўз ташлаган ҳолда ҳам овқат тайёрлаётганда. Болалар эса ён-атрофига ручка-қалам ва дафтар-китобларини ёйиб қўйиб, телефон ёрдамида жимгина дарс тайёрлаётгандек кўринади.

Улар савол бермайди. Чунки улар уяли телефондан жавоб топишни аллақачон ўрганиб олган. Олинган жавобларнинг объектив ёки нотўғри экани таҳлил қилинмайди, манбаларнинг қай даражада ишончилигига эътибор берилмайди. Эътиборсиз ота-оналарга ҳам шуниси қулай гўё. Бундай технологик воситалардан нотўғри ва ортиқча фойдаланишнинг бола руҳияти ва соғлиғига салбий таъсирдан амалий ҳимоялаш тўғрисида-ку, гапирмас ҳам бўлади.

Шу ўринда дарёдан томчи бўлса-да, айрим зиндиларнинг бу борадаги қарашлари ва фикрларини келтириб ўтсак.

Бир мuddат аввал yuz.uz сайтида чиққан суҳбатда Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирида дарс бериб бораётган синф ўқитувчисининг бундай фикрларига кўзим тушган:

— Технологийлар таълимнинг душмани эмас. Аксича, агар гаджетлардан оқилона фойдаланилса, улар биз, ўқитувчиларга ўқув жараёнини олиб боришда фақат ёрдам беради. Интернет — фойдали ва қимматли восита, ахборот хазинаси ҳамда кундалик ҳаётни енгиллаштирадиган алоқа воситаси. Смартфонлар ўқувчиларга ҳам янги билимларни ўзлаштиришда, кўникмаларни ривожлантиришда ва дунёқарашини кенгайтиришда ёрдам бериши мумкин.

Электрон қурилмалар ва сунъий интеллект қанчалик фойдали бўлмасин, шунчаки билишнинг бир воситаси бўлиб қолаверади. Охир-оқират мустақил фикрлашимиз, маълумотларни тафаккур чигиринидан ўтказиб

ёндашишимиз ва тўғри хулосага келишимиз асосий омил сифатида сақланишни кўриб турибмиз. Бу борада тадқиқот ўтказаятган мутахассислар энди ахборот ва маълумотларни биринчи бўлиб етказишдан кўра уни тўғри, ишончли ва мантуқан талқин қила олиш устувор аҳамият касб этиб бораётганини таъкидламоқда.

Шу ўринда ишончли деб эътироф этилган қатор манбалардан зиндилар ва ўз соҳасининг мутахассислари билдирган фикрларнинг айримларини келтириб ўтиш ноўрин бўлмас. Қолаверса, айнан шу соҳада тадқиқот олиб бораётган ва вазиятга бевосита гувоҳ бўлаётган олимларнинг фикрларини келтириш анча ҳолис таассурот уйғотади. Яқинда ўқиганим ғарблик бир олимнинг фикри қуйидагича: “Муаммо шундаки, бизда рақамли қурилмалар ва технологияларнинг янги дунёсида амал қиладиган ҳеч қандай маданый анъаналар йўқ. Ҳар қандай жамиятга ҳар қандай янги мосламалар ва усуллари жорий этишда, улардан оқилона ва соғлом фойдаланиш қоидалари ҳамда анъаналарини ишлаб чиқиш учун 100 йилдан 200 йилгача вақт керак бўлади деб ҳисобланади. Лекин бизда бу 100-200 йил йўқ. Нима қилиш керак? Аввало, замонавий болаларнинг янги меъёрга яшаётганини англаш ва қабул қилиш керак. Янги нормаллик бу турли соҳалардаги, баъзан эса дунё тартибидеги иқтисодий, ижтимоий ва психологик ўзгаришлардир”.

Ёки бу фикрга қаранг:

— Гаджетлар бизга тезкор эндорфинлар ва дунёдаги ҳамма нарсадан хабардорлик иллюзиясини беради, аммо афсуски, муносабатлар ва офлайн ижтимоий ҳаётни “эритиб” юборади, — дейди хоризиклик продюссер Анна Белева. — Ҳатто фаолияти бевосита гаджетлар билан боғлиқ бўлган одам сифатида мен ҳам оилавий кечки овқат пайтидаги мулоқот, ҳатто таътилда ҳам, янгиликларни кузатиш ва YouTube томоша қилиш билан алмашганини пайқайди.

Ёзувчи ва файласуф А.Король эса “Виртуал муҳитга ғарқ бўлган инсон учун оила ҳақиқатан иккинчи даражага тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун одамлар ўз ёнида эътибор, ғамхўрлик ва муҳаббатга муҳтож яқин кишини борлигини ҳис қилмайди. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда чиройли манзараларни кўраемиз. Шундан сўнг онгсиз равишда ўз реал ҳаётимизни салбий қабул қила бошлаймиз. Чунки реал оилавий муносабатлар фотосуратлардаги жуфтликларники каби мукаммал эмас, турмуш ўртоқ эса унчалик жозибали ва муваффақиятли кўринмайди. Натияжада инсон ўз жуфтини танқид қила бошлайди ва оилада келишмовчилик юзага келади”, дейди.

Ахли доғиш ва файласуфлар тафаккурни инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли, нарс ва ҳодисаларнинг моҳиятини, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни чуқур англаш, билиш ва умумлаштириш жараёни сифатида изоҳлайди. Оламни тушунишда тасвирлар, ҳис-туйғу ва сезги аъзолари оқибат қилган ўринларда, албатта, ақл ва мантуқ билан англаш энг тўғри йўл экани таъкидлаб келинади. Зеро, Навоий бобомиз айтганидек: “Ўз вужудинга тафаккур айлақил...”.

Рустам БОЙТЎРА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мозийга назар



Одам боласи ёши улғайган сари ўтмишга кўпроқ муружаат қиладиган бўлиб қолар, оиласи, уруғ-аймоғи, қишлоғи, юрти ҳақида кўпроқ билишга эҳтиёж сезар экан. Гурунларнинг бирида кимдир “Менинг бобом от сотувчи бўлган ёки бобомнинг сурув-сурув қўйлар бор эди”, деб мактаниб қолса, унга ҳавасингиз келади. Ҳўш, менинг аجدодларим ким бўлган, қандай яшаган деб ўзингизга савол берасиз. Бу савол сизни тинч қўймайди, фурсат топиб, кекса кишилардан суриштирасиз, жавоб топсангиз, эшитганларингизни болаларингизга, набираларингизга сўзлаб берасиз.

Аммо жавоб топмасангиз нима қиласиз? Мактабда ўқийдиган набиранингизнинг тарих китобини титқилаб кўрасиз. Қадимги Рим, Юнон, Миср тарихига оид рангли суратларни ҳайрат билан томоша қилиб, тарихий

ҲАЙБАТЛИ



ТЕПАЛИКЛАР СИРИ

маълумотларни ўқиб чиқасиз. Аммо негадир қониқмайсиз, ўзингиз истаган нарсани топполмайсиз.

Қишлоғингизнинг кунботарида баланд тепалик бор. У сизга болаликдан таниш, неча бор устига чиқиб ўйнагансиз, атрофда қўй-қўзи боққансиз. Лекин бу қандай тепалик эканини билмайсиз. Аждодларимиз эса тепаликларга Қизтепа, Жангалтепа, Бўриттепа деб ажабтовур номлар қўйган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари эди. Оқсоқол ёзувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад воҳамиз иждоқорлари билан учрашувдан сўнг эълон қилган “Турна кўнган қирларда” мақоласида “Қашқадарё шундай маконки, унинг қирлари, тепаликлариде ёнбошлаб олиб қисса ва романлар яратса бўлади”, деб ёзганини ўзим ўқиганман. Бу билан кўпни кўрган ва билган адиб воҳамизнинг ҳали ўрганилмаган ўтмишига ишора қилгандир балки.

Раҳматли Бибисора аммам айтганди: — Қизилтепада қирқ малак яширинган. Ярим кечада туйнук очилиб, қизлар ташқарига чиқади. Гулхан ёқиб, ўйин-кулги қилади, тонг оқариши билан яна маконларига беркиниб олади. Уларни кўрган одам ё жинни, ёки девона бўлади.

Бу йиллар давомида оғиздан оғизга ўтиб келган бир афсона, албатта.

Тарихчи олим Поён Равшанов Қизилтепа ҳақида ёзар экан, бу тепалиқда топилган ашёлар орасида аёлларнинг ўсма кўядиган митти идишлари ва бошқа пардоз буюмлари борлигини эътироф этган. Бир неча йил тепалик атрофида қўй боқиб чўпонлик қилган Равшан бобо эса у ерда олов ёлқини кўрганани ва овозлар эшитганини ҳамон гурунларда ҳайратланиб сўзлаб юради.

— Эллигинчи йилларнинг охири эди. Мактабни тугатгандим. Чимқўрган сув омбори қурилиши туфайли қишлоғимиз аҳо-

лисини Жонбўзсойга кўчириш бошланди. Тепаликларни ва бошқа тарихий жойларни ўрганиш учун пойтахтдан шошқилиш равишда қадимшунос олимлар келиб, ишга киришди. Қазиб ишларида мен ҳам икки йил қатнашдим. Гуруҳ раҳбари Сергей Кабанов билмидон, ажойиб инсон эди. Эҳ, бу тепаликлардан яшиқ-яшиқ буюмларни топиб жўнатганимиз. Сополдан ясалган ҳар хил уй-ўйғор буюмлари, лойдан турли ҳажмдаги ҳайкаллар, қадимги тангалар, қурол-аслаҳалар топганимиз. Жангалтепадан эса катта бир оиланинг яхши сақланган тобуллари чиққанди, — деб сўзлайди кекса муаллим Ҳасан Равшанов.

Эсабой қишлоғида яшовчи Саид муаллимнинг уйда меҳмонда эдик. Суҳбатимиз айланиб, қишлоқ яқинидаги Қулоқлитепага тақалди. Саид муаллим бундай деди: — Қулоқлида сир-синоат кўп. Кўпчилик бу ердан яна юз йил ҳам фойдаланса бўладиган кўзалар, хумлар топиб олиб, ҳамон

ишлаб юришибди. Бундан ташқари, бу тепалик ичида кутубхона бўлса керак. Чунки тепаликнинг бир томони дарёга туташган қиялик. Қушларнинг ин қўйиши учун бехавотир жой. Қушлар уяларидан арабий мий, форсийми ё бошқа ҳарфларда битилган варақларни чиқариб дарёга ташлайди. Баъзи одамлар бу қоғозларни топиб олиб, “тиллари ўтмагач” ташлаб юборишган. Балки йўқолган Улугбек хазинасини Али Қўшчи шу ерга беркитиб кетгандир...

Кунларнинг бирида манбашунос олим Абдулаттор Жуманазаровнинг 2007 йилда чоп этилган “Насаф” китоби қўлимга тушиб қолди. Аввало, муаллимнинг асарини содда, оммабоп қилиб ёзгани диққатимни тортди.

Китобнинг энг қизиқарли боби “Нияза” деб номланган эди. Бу тарихий маскан Насаф вилоятининг шарқий қисмига қарашли бўлгани, бу жойдан бир неча олим ва адиб етишиб чиқгани айтилиб, уларнинг исми-шарифлари келтирилган.

Бунга қарангки, биз қоқорида тилга олган Қулоқлитепа аслида ўтмишда Нияза деб номланган бўлиб, бу таниқли қадимшунос олим М.Е.Массон, рус ҳарбий сайёҳи Б.Литвинов томонидан 1911 ва 1916 йиллардаги ҳужжатларда қайд этилган. Тепалик ер сатҳидан 25-30 метр балинда жойлашган бўлиб, 6-7 гектар майдонни эгаллаган...

Ҳа, юртимизнинг исталган жойига борсангиз, албатта, тарихимизга дахлдор жойга дуч келасиз. Бу маконларнинг кўпчилиги илмий жиҳатдан ҳали ўрганилмаган. Тадқиқотлар олиб бориладиган маконлардан эса нималар топилган, уларнинг тарихий аҳамияти қанча, бундан кўпчилик бехабар. Бу жойларни ўрганган олимларнинг асарлари эса тор доирада тарқатилган ва аксарияти рус тилида ёзилган.

Шу ўринда бир мулоҳаза юритсак. Юртимиз тарихига оид оммабоп китоблар нега мактаб ва олий ўқув юртиларда ўрганилмайди. Агар шундай хайрли ишлар амалга оширилса, ёшлар тарихимизни яхшироқ билади ва ватанимизга меҳр-муҳаббатни, қизиқишни янада орттири тайин.

Мисрликлар аждодлари яратган эҳромлари билан неча асрлардан бунён дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Бизнинг аждодларимиздан қолган ҳайбатли тепаликлар ҳам ўзининг сир-синоати ва узоқ кечмиши билан Миср эҳромларидан асло кам эмас. Уларни ўрганиш, тарихини тадқиқ этиш вақти етди. Шундай эмасми?

Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси